O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 5 декабрь №245-246 (3257-3258) Жума


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЎРНИ



Европа Иттифоқи Комиссияси ЕвропаЭйд дастурининг «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси Олий Мажлисда изчил амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, парламентнинг Интернетдаги веб-сайти ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз қонун чиқарувчи олий органи фаолиятини кенг кўламда акс эттирувчи ана шу веб-сайт бир йўла уч тилда - ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этилди.

2003 йил 4 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятида янги ахборот технологиялари ўрни» деган мавзуда ўтказилган семинар ҳам мазкур лойиҳа доирасида амалга оширилаётган навбатдаги тадбирлардан бири бўлиб, унда иштирокчилар янги Интранет локал тармоғини амалиётда қўлланиш масалаларини муҳокама қилдилар. Парламент Котибияти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис депутатлари. Котибият ходимлари, турли халқаро ташкилотлар ва ахборот марказлари, вакиллари, шунингдек лойиҳа экспертлари иштирок этдилар.

Олий Мажлис Котибияти бошлиғи А.Эркахўжаев, мазкур лойиҳанинг миллий раҳбари Қ.Расулов ва германиялик эксперт Айке Дозе, шунингдек, ўзбекистонлик экспертларнинг Олий Мажлис фаолиятида янги ахборот технологияларини қўлланишнинг кенгайиб бориши тамойилларига, Интернет ва Интранетнинг корпоратив ахборот тизимларини ривожлантириш воситаси сифатидаги ролига, Интернет сайти ишининг оралиқ якунларига бағишланган нутқлари анжуман қатнашчилари томонидан қизиқиш билан тингланди.

Семинарда мазкур лойиҳанинг Ўзбекистон кутубхоналар ассоциациясидаги шериклари тақдимоти ҳам бўлди, шунингдек Олий Мажлис локал тизими доирасида Интранетдан айрим қисмлар намойиш этилди.

Анжуманда иштирокчилар локал тармоқнинг кенг имкониятлари билан танишдилар, муҳокама этилаётган мавзу доирасида ўзаро фикр алмашдилар.

## Фикрлар уйғунлашди

Кеча Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар дастлаб Олий Мажлиснинг бўлажак ўн учинчи сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланган масалаларни бир овоздан маъқуллашди. Сўнг Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси бўйича фикр алмашдилар. Мазкур бюджет лойиҳаси мамлакатимизни барқарор ривожлантириш учун иқтисодиётимиздаги солиқ юкини камайтиришга асосланган ҳолда тайёрланганини алоҳида таъкидладилар. Қўмита аъзолари молиявий ҳужжатда аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш кўзда тутилганини эътироф этдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, парламентнинг ўн иккинчи сессиясида биринчи ўқишда қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги ва «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун лойиҳаларига 320 дан зиёд таклиф келиб тушган. Қўмита ишчи гуруҳи мазкур қонун лойиҳаларига киритилган ўзгартишлар бўйича ўзаро фикр алмашишди. Шунингдек, депутатлар ўн учинчи сессия муҳокамасига киритилиши мўлжалланган «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасига ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ҳам фикрлашиб олинди.

**Ўз мухбиримиз.**



## Музаффарлар

Фотожурналистимиз Тоҳиржон Ҳамроқулов таҳририят остонасига қадам қўйиши билан Андижондаги сафари юзасидан ўз таассуротларини гапира кетди. У Балиқчи туманидаги «Намуна» ширкат хўжалигида бўлганлиги ва бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, тажрибали деҳқонлар ва уларнинг миришкорлик сир-синоатлари хусусида узоқ ҳикоя қилди. Дарҳақиқат, фотожурналистнинг объективига сиғмай қолган гаплар анча бисёр экан. Тўғриси, бу муваффақиятлар чигит қадаб, ҳосилни 40 центнерга етказган, ғалла ҳосилдорлигини 80 центнерга кўтарган ва айни вақтда келгуси йил ҳосили учун қизғин тайёргарлик ишларини бошлаб юборган бу ширкат миришкорларининг ҳамда уларга раҳбарлик қилаётган Аҳмаджон Ҳожиев (суратда)нинг беҳаловат кунлари ва тунлари ҳосиласидир. Хуллас, бизнинг таъриф ва таассуротларимизга жо бўлмаган бу музаффарликлар шодиёнаси «намуна»ликларнингда ичига сиғмаётир. Ўз ҳалол меҳнатинг гаштини суриш қандай яхши!

*Конституциянинг 11 йиллигига*

## МУКАММАЛ ВА МЎЪТАБАР ҲУЖЖАТ



***Асосий Қонунимиз хўжалик судлари фаолиятининг муҳим ҳуқуқий негизидир.***

***Бугунги кунда, ҳеч бир шак-шубҳа йўқки, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси халқимиз қалбидан жой олиб улгурди. Айни чоғда, ривожланган, тараққиётга эришган мамлакатлар эътирофига сазовор бўлди. Зеро, бош қонунимизда, Президентимиз таъбири билан айтганда, жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикр илгари сурилади, фуқаро – жамият – давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечими топилади.***

Биз йиллар ўтгани сайин Конституциянинг шахсий ҳаётимиздаги, мамлакатимиз равнақи, миллатимиз юксалишидаги ўрнини тобора теран англаб бормоқдамиз. Дунёда мустақил давлатнинг эркин фуқаролари, яъни тенглар ичра тенг эканлигимизнинг ҳуқуқий асоси, аввало, Бош қомусимиздадир. Бинобарин, унинг 1-моддасида "**Ўзбекистон – суверен демократик республика**", дейилади. Биргина шу модданинг ўзиёқ биз қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган тузум моҳиятини очиб беради. Зеро, шундай экан, бу ҳақда батафсилроқ тўхталиш ўринлидир.

Башарият XX аср интиҳоси ва XXI аср ибтидосида ўзининг осойишта ва фаровон ҳаётини, инсоний қадр-қимматини таъминлай оладиган омил фақат демократик тузум эканлигини англаб етди. Демократия анча илгари кириб келган давлатлар уни мустаҳкамлашга, моҳиятини ўзгаларга ҳам англатишга интилмоқдалар. Дунёнинг у ёхуд бу бурчагидаги халқлар, миллат ва элатлар демократияга эришиш орзусида яшамоқдалар. Тўғрироғи, шуни истаб, эзгу орзулар ила ҳаракат қилмоқдалар. Ҳатто бу йўлда қурбонлар бермоқдалар. Бироқ демократиянинг ҳаётбахш шамолларидан бебаҳра қолган, диктатура, тоталитаризм, мутелик ва қарамлик муҳитида яшаётган мамлакат ва миллатлар ҳали ҳамон мавжуд. Не бахтки, Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунлариданоқ демократик жамият барпо этиш йўлида собит боражагини эълон қилди ва бу тамойилни ўз қомусида мустаҳкамлади.

Маълумки, демократик жамият барпо этишда, аввало, мукаммал ҳуқуқий базага таянилади. Конституция ана шундай ҳуқуқий базанинг муҳим асоси сифатида эътироф этилади. Унга мувофиқ қабул қилинган қонунлар у ёки бу меъёрни янада батафсил ифода этади, тўлдиради, аниқлаштиради. Зеро, **"Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.**

(Давоми 2-бетда)

## Бош Қомусимизга бағишланди

Тошкент ислом университетида мамлакатимизда демократик жамият қуришда Конституциянинг аҳамиятига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини танлайди, янги жамият ва давлат бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Юртимиз ҳам ўз истиқлолини қўлга киритгач, неча минг йиллик қадриятларимиз, миллий ва диний анъаналаримизни қайта тиклаб, жаҳоннинг илғор мамлакатлари тажрибасидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга киришди. Ўтган давр мобайнида бу борада Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришилди.

Семинарда Бош Қомусимизнинг жамиятдаги аҳамиятини чуқур ўрганиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги тарғибот ишларини янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳусниддинов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири, академик Юрий Шевченко бошчилигидаги Россиянинг йирик тиббий марказлари ва илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари делегацияси мамлакатимизда бўлди.***

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида РФ соғлиқни сақлаш вазири Юрий Шевченкони ва делегациянинг бошқа аъзоларини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш соҳасида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётганидан мамнуният билдирди. Ўзбекистон ва Россия соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик кенгаётгани ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётгани таъкидланди.***

### ЮРИЙ ШЕВЧЕНКО:

## «ЎЗБЕКИСТОНДА КЎРГАНЛАРИМ МЕНИ ҲАЙРАТГА СОЛДИ»

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастурининг амалга оширилаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Республика шошилинч тиббий ёрдам хизмати ва унинг барча вилоят, шаҳар ва туманлардаги бўлимлари ташкил этилди. Қишлоқ врачлик пунктлари негизида бирламчи тиббий ёрдам тизимини шакллантириш давом этмоқда. Барча ҳудудларда Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтининг бўлимлари ишлаб турибди. Ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари базасида жарроҳлик, кардиология, урология, кўз микрожарроҳлиги тиббий марказлари ташкил этилди.

Россиянинг етакчи марказлари ва шифохоналарида мамлакатимиздан 550 нафар мутахассис қайта тайёргарликдан ўтди ва малакасини оширди. Илмий ахборот алмашинуви ҳам йўлга қўйилган. Санитария-эпидемиология вазиятини назорат қилиш мақсадида икки мамлакат давлат санитария-эпидемиология назорати органлари ўртасида доимий алоқа ўрнатилган. Республикамизнинг ихтисослаштирилган тиббий марказлари, кўпгина туман марказий касалхоналари ва қишлоқ врачлик пунктлари энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Сўнгги йилларда Россиядан тиббий аппаратура ва жиҳозлар харид қилинган.

Россия делегацияси аъзолари Ўзбекистон тиббиёт соҳаси вакиллари билан учрашувлар ва мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти билан музокаралар ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорликни давом эттиришга оид беш йилга мўлжалланган битим имзоланди.

Меҳмонлар Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, урология, академик В.Воҳидов номидаги жарроҳлик, кўз микрожарроҳлиги каби ихтисослашган марказлар, республика клиник офтальмология касалхонаси, Мудофаа вазирлигининг марказий ҳарбий госпиталига ташриф буюрди, Жиззах вилоятида соғлиқни сақлаш ва таълим тизимидаги ислоҳотларнинг бориши билан танишди. Россия делегацияси аъзолари мамлакатимиз аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган даволаш-ташҳис, илмий-тадқиқот ишларини, кадрлар тайёрлаш борасидаги фаолиятни, халқаро ҳамкорлик йўналишларини батафсил ўрганди.

Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири Юрий Шевченко республикамиз соғлиқни сақлаш тизимидаги аҳвол ва ютуқлар билан танишишдан олган таассуротлари билан ўртоқлашар экан, юксалиш жараёни жадал суръатларда кечаётганини алоҳида таъкидлади.

— Сўнгги йилларда биз Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Молдова каби мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш соҳаси билан батафсил танишиб, уларда бу борада асосий эътибор бундан ўн-ўн икки йил бурунги даражани сақлаб қолишга қаратилаётганининг гувоҳи бўлдик, — деди у. — Улардаги аҳвол билан таққослаганда, Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ишлар мени ҳайратга солди. Одамлар ғайрат-шижоат билан, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилмоқда. Биз ислоҳотлар жараёнида асосий эътибор шошилинч тиббий ёрдам тизимига қаратилганини юқори баҳоладик. Бу тизимдан ҳамма фойдаланади ва шу боис унинг ижтимоий аҳамияти катта. Соғлиқни сақлаш соҳасида барқарор, салмоқли ўсиш таъминланган, бу эса ўз навбатида бошқа соҳалардаги ислоҳотлар суръати ва натижалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш концепциясининг самарадорлиги, танланган йўлнинг тўғрилигидан далолатдир. Бу улуғвор ишларнинг барчаси ғоят донишманд ва узоқни кўриб иш юритувчи раҳбар — Президент Ислом Каримовнинг бевосита раҳнамолиги остида амалга оширилмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистонда барча хайрли ишлар босқичма-босқич, изчиллик билан, чин дилдан астойдил амалга оширилмоқда.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Дунёга элтар йўллар*

## «Ажабо, буларнинг бари мўъжиза-ку!»

мамлакатимизда ўтказилган «Маҳалладан бошланар Ватан» халқаро фото танловига юборилган асарлар худди шундай баҳоланди





***Маҳалла нима, деб сўраш бир қарашда бизга жўн туюлиши мумкин. Чунки инсон ўзига қадрли бўлган тушунчалар ҳақида ўйлаганда баъзан сўз тополмай қолади. Унинг нималигию, қадрини ич-ичидан ҳис қилади. Ардоқлайди. Ҳимоя қилади. Маҳалла ҳам аслида шундай. У тарихимиз, қадриятимиз, миллатимизнинг ажралмас парчасидир. Ва айтиш мумкинки, маҳалла бу мамлакатимизгагина хос бўлган ўзини ўзи бошқарув шаклларидан биридир. Буни юртимизда ўтказилган «Маҳалладан бошланар Ватан» халқаро фото танлови натижалари ҳам яна бир бор далиллади.***

***Хўш, ушбу халқаро танловни ўтказишдан мақсад нима эди? Ундан кўзланган муддаога эришилдими? Мухбиримизга бу ҳақда Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали ҚЎЗИЕВ қуйидагиларни гапириб берди:***

— Эътибор бераётган бўлсангиз, бугун Президентимизнинг 2003 йилни «Обод маҳалла йили», деб эълон қилганликларига роппа-роса бир йил тўлди. Ҳали-ҳали ёдимда, ўшанда Юртбошимизнинг ушбу таклифлари барчамизнинг чинакам қувончимизга сабаб бўлган эди. Негаки, маҳалла бизнинг ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, одам бу тушунчасиз турмуш тарзини тасаввур қила олмайди. Айтиш мумкинки, ортда қолган бир йил ичида амалга оширилган ишлар, ўтказилган тадбирлар, хусусан, мазкур танлов ҳам ана шу қувончимизга яраша бўлди.

(Давоми 3-бетда)

# ХАЛҚДАН ҚУВВАТ ОЛАМИЗ

**Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси раҳбари Изидор КОЧМАРИК билан суҳбат**

**— Ҳурматли Изидор Андреевич, Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолият кўрсата бошлаганидан буён тўрт йил ўтди. Айтингчи, сиз фракция раҳбари сифатида шу давр ичида ХДПнинг парламентдаги фракцияси фаолиятидан қандай хулосалар чиқардингиз? Уни жаҳон парламентчилигидаги андоза ва даражага қиёсласа бўладими?**

— Умуман олганда, ўтган давр мобайнида фракциямиз томонидан парламентчилик соҳасида муайян тажриба орттирилди. Бу тажриба, ҳеч шубҳасиз, келажакда, хусусан, 2004 йил декабрида сайланадиган янги икки палатали парламентда ҳам фойдали бўлади. Албатта, бунинг учун ЎзХДПдан сайланадиган депутатлар сони фракцияни ташкил этишга етарли бўлмоғи керак. Партиямиз келгуси сайловларда ушбу мақсадга эришиш учун астойдил курашиш ниятида.

Энди, бевосита фаолиятимиз тўғрисида гапирадиган бўлсак, авваламбор, фракциямиз фаолиятида Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси олдидан муайян ишларни бажариш амалиёти вужудга келганлигини таъкидламоқчи эдим. Бу ишлар, одатда, сессия чақирилиши эълон қилинмасдан анча олдин бошланади. Зеро, депутатларимиз иккинчи ўқишда қабул қилиниши мўлжалланган қонунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишлари билан бир қаторда, Олий Мажлис қўмиталарининг аъзолари сифатида янги қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда ҳам қатнашадилар. Навбатдаги сессияларни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин эса партия Марказий Кенгаши ҳузуридаги юқори малакали мутахассислар иштирокида сессияга киритилиши мўлжалланаётган қонунчилик ҳужжатлари ҳақида хулосалар тайёрланиб, фракцияда кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Фракциямиз "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"ги Қонунга биноан, сессиялар кун тартибига киритилиши кўзда тутилган қонунлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини ташкил қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Ушбу мақсадда, биринчидан, қонун лойиҳалари фракциямиз аъзолари ва мутахассислар иштирокида Ўзбекистон ХДП ташкилотларида муҳокамага қўйилади. Иккинчидан, Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари билан биргаликда энг муҳим қонунчилик ҳужжатлари юзасидан давра суҳбатлари ўтказилади. Натижада фракциямиз ҳар бир сессия арафасида кўплаб қонунлар лойиҳалари юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни тўплаб, улар асосида тайёрланган ўз таклифларини Олий Мажлисга йўллашга муваффақ бўлмоқда. Умуман, биз иккинчи чақириқ Олий Мажлис қўмиталарига жами бўлиб 200 тадан зиёдроқ қонун лойиҳалари бўйича таклиф ва тавсияларни бердик. Энг муҳими, уларнинг катта қисми инобатга олинди.

Бу Ўзбекистон ХДП ёндошувлари ва партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси фаолиятини уйғунлаштириш, бунда ХДП дастурий устуворликларидан келиб чиқиш имконини бермоқда.

Албатта, биз ўз ишимизда парламент демократияси масаласида жаҳонда тўпланган тажрибага таянамиз, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунчилигидан келиб чиқиб, жаҳонда синалган иш шакллари ва услубларидан фойдаланамиз. Бироқ, шундай бўлса-да, фракциямиз фаолиятини жаҳон парламентчилик тажрибаси билан қиёслашга ҳозирча эрта. Чунки биз ривожланган демократик мамлакатлар бир неча аср давомида босиб ўтган йўлнинг бошида турибмиз. Парламент ислоҳотидан мақсад ҳам, менимча, давлат ҳокимияти қонунчилик-вакиллик тармоғи фаолиятини ташкиллаштиришнинг шакл ва мазмунини жаҳонда умумқабул қилинган демократик меъёрларга мослаштириш жараёнларини фаоллаштиришдир.

**— Сизнингча, Ўзбекистон ХДП жамият тараққиётининг муқобил дастурини таклиф этиши мумкинми? Умуман, партиянгиз жамиятда учраётган қандай муаммолар юзасидан давлат ҳокимияти органлари билан мулоқотга киришиш лозим, деб ҳисоблайди?**

— Биласизми, партиямиз 1999 йилги парламент сайловлари арафасида янги таҳрирдаги ўз Дастурини қабул қилган эди. Унда ХДПнинг муайян андозалардан воз кечиб, мамлакат олдида турган муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос йўл ва воситаларига аниқ нуқтаи назарни ифода этиб, янгича дастурий ҳужжатни жамоатчилик диққатига ҳавола этганди. Партиямиз ўшандаёқ мазкур ҳужжатда шундай муаммоларни белгиладики, унга мувофиқ, депутатлик тузилмаларимиз ўзларининг қонуний ваколатлари доирасида улар юзасидан давлат ҳокимияти идоралари билан нафақат мулоқот қилишлари, балки шу тўғрида аҳолининг ҳаётий манфаатларига жавоб берувчи қарорларни қабул қилишда ташаббус кўрсатишлари лозим эди. Ушбу муаммолар сирасига уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида хизматлар сифатини ошириш ва тарифларни шакллантириш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларини етарли миқёсда молиялаштириш, меҳнатга лаёқатли кишилар сони ортиқча бўлган минтақаларда янги иш жойларини вужудга келтириш ва бошқалар киради. Партиямиз Марказий Кенгашининг бешинчи пленуми ушбу масалаларга жиддий эътибор қаратди. Унинг қарорларини амалга ошириш жараёнида шу йўналишдаги ишларимиз бирмунча жонланди. Пленумдан кейин ўтган тўққиз ой давомида депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан жойларда аҳоли манфаатларига мос қатор ижтимоий-иқтисодий масалалар ижобат топди. Масалан, халқ депутатлари Тўрткўл тумани Кенгаши таркибидаги ХДП депутатлик гуруҳи шу ерлик барча мактаб ўқувчиларини маҳаллий имкониятлар ҳисобидан дарсликлар билан таъминлаш масаласини сессияда кўриб, тегишли қарорнинг қабул қилиниши ва унинг ижро этилишига эришди. Халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Кенгашидаги партиямиз вакиллари шаҳарликларни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш масаласида ғайрат кўрсатаётирлар. Ўзбекистон ХДПдан Чирчиқ шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш, янги иш жойларини яратиш масалаларига ҳисса қўшмоқдалар. Очиғи, бу хусусда бошқа кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин.

**— Бу, албатта, яхши. Аммо сиз раҳбарлик қилаётган фракция парламентимизнинг бирон бир сессиясида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасида белгиланган ҳуқуққа мувофиқ, вазирлар ёки давлат органларининг бошқа раҳбарларига сўров билан мурожаат этганлигини, улар билан очиқ мулоқотга киришганлигини кузатмадик. Сиз бу ҳолни қандай изоҳлаган бўлардингиз?**

— Бунинг асосий сабаби шуки, масалаларни шу тахлитда қўйишга эҳтиёж сезилмади. Кўплаб масалалар фракция томонидан тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда сессиялар оралиғида ҳал этилмоқда. Чунончи, 2000 йилдан буён фракция йиғилишларида давлат бюджетининг ижроси ва янги бюджет лойиҳаси билан боғлиқ масалаларни жамоатчилик асосида муҳокама этиш амалиёти мавжуд. Бундай йиғилишларда, албатта, Молия вазирлиги ҳамда Олий Мажлиснинг Банк, бюджет ва молия масалалари қўмитаси раҳбарлари қатнашадилар. Муҳокамалар жуда қизғин, баҳс-мунозаралар тарзида ўтиб, депутатлар ўзларини қизиқтираётган саволларга жўяли жавоб оладилар, давлат бюджети лойиҳаси ёки унинг ижроси юзасидан асосли таклифлар киритадилар. Бу ҳам аслида депутатларимиз билан давлат ҳокимияти идоралари ўртасидаги очиқ мулоқотнинг бир шакли.

Фракциямиз аъзолари ўз сайлов округларида муайян вазифаларни бажарадилар, сайловчилар билан мунтазам учрашиб турадилар. Парламент сайловидан кейинги тўрт йил мобайнида Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлари ўз сайловчилари билан тўрт минг мартадан ортиқроқ учрашдилар. Ҳар бир учрашувдан кейин депутатларимиз, сайловчилар илтимосларига кўра, давлат ва бошқарув идоралари раҳбарларига у ёки бу масала бўйича мурожаат қиладилар, уларнинг ечимини назоратга оладилар. Бу ерда ҳам улар орасида ўзига хос мулоқотни кўрамиз. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай мулоқотлар давомида кўтарилган масалаларнинг аксарияти расмий равишда кўрилиб, ўз ечимини топади.

Агар бу масалага жаҳон парламентчилик тажрибасидан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, бундай амалиётнинг доимий ҳаракатдаги парламентларга хослигини кўрамиз. Демак, янги икки палатали парламентнинг қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари ўзларининг давлат ҳокимияти органлари раҳбарларига сўровлар билан мурожаат этиш ҳуқуқларидан тўла фойдаланадилар, деб ўйлайман.

**Суҳбатдош**
**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Олий Мажлиснинг XIII сессияси олдидан***



***Партия фракцияларида***

# ЖАМИЯТ СИЁСАТСИЗ ЯШОЛМАЙДИ

**«Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси раҳбари Иброҳим ҒАФУРОВ билан суҳбат**

**— Аввалги мулоқотларимиздан бирида "Миллий тикланиш" демократик партияси Олий Мажлис ишида ўз фракцияси ва унинг аъзолари орқали фаол иштирок этаётганини, эндиликда том маънода парламент партиясига айланиш учун интилаётганини айтган эдингиз. Бироқ жамоатчилик фикрига қулоқ солсангиз, юртимизда мавжуд бошқа сиёсий партиялар қатори «Миллий тикланиш»нинг фаолияти ҳам суст деган танқидий мулоҳазаларни эшитасиз...**

— Биз буни адолатли танқид деб биламиз. Рост, ҳозирча сиёсий партияларнинг, хусусан, "Миллий тикланиш" демократик партияси ва унинг Олий Мажлисдаги ўн икки депутатдан иборат фракциясининг фаолияти идеалдан йироқ. Ҳатто, четдан қараган кишига умуман ҳеч нарса йўққа ўхшаб ҳам кўринади. Аслида-чи? Кейинги бир неча йил ичида жамиятимиз реал кўп партиялиликка эришди. Ранг-баранг фикрлар, қарашларни ифода қилувчи, турли-туман манфаатларни акс эттирувчи ва илгари сурувчи сиёсий партиялар минбарлари пайдо бўлди. Улар жамиятимизнинг демократик андозалардаги цивилизациялашган жамиятга айланишига ўз бебаҳо ва муносиб улушларини қўшмоқдалар. Шундай бир пайтда "Партияларнинг бор-йўқлиги билинмайди, жамиятлар сиёсий партияларсиз ҳам бемалол яшайверади" қабилидаги гап-сўзлар, қарашлар ҳам қулоққа чалиниб туради. Лекин, нима бўлгандаям, жамият сиёсатсиз яшолмайди. Ранг-баранг партияларсиз жамият инқирозга учрайди. Жамият сифатида ўз қиёфаси ва мазмунини йўқотади. Партиялар эса жамият ва давлатга сиёсатчиларни, етакчиларни, умумдавлат миқёсида ўйлайдиган, иш қиладиган кишиларни, давлат раҳбарларини етиштириб беради. Демократик фуқаролар жамиятини ранг-баранг сиёсий партияларсиз кўз ўнгингизга келтира оласизми? Агар ҳамма бир тарзда бир хил фикрласа, ҳамма битта йўлдан юрса, битта мафкурага сиғинса, демократик институтларни инкор этса, унда жамиятнинг жамиятлигидан нима қолади?

"Миллий тикланиш" партияси ўз дастурида баён қилинган ғоялар мажмуалари ҳамда олдига қўйган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий вазифаларга кўра, халқ ўз тақдиридан кечираётган жонли ижтимоий жараёнлар ичидадир. Бизнинг тикланишнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб берган, англатадиган, ифодалайдиган ғояларимиз эълон қилинган ва халқ, жамоатчиликнинг мулкига — унинг интеллектуал интилишларининг умуммиллий муҳим қирралари, йўналишларига айланиб улгурган.

Бизнинг тикланиш ғояларимиз ўзига хос. Улар партиямизнинг ҳам ўзига хослигини белгилайди. Шу билан бирга, тикланиш ғояларимиз даврга, мамлакат ва халқ олдида турган вазифаларга ва энг муҳими, инсон ғоясига — шахснинг камолотга интилиш ғоясига тугал уйғун. Бу ғоялар халқ ва алоҳида инсон салоҳиятларини юзага чиқарувчи интеллектуал сиёсий мулк бўлгани сингари, айни сиёсий партиямизнинг ўзи ҳам — унинг борлиғи, мавжудлиги, яшаётгани, одамларни ўз ғоялари теварагига чорлаётгани — унинг шу жамиятнинг ажралмас мулки, бойлиги эканлигини кўрсатади.

Олий Мажлис ғайрат билан икки палатали янги парламентнинг ҳуқуқий асосларини яратди. Ҳозир ЎзМТДП ва унинг ташкилотлари олдидаги энг катта вазифа — 2004 йил декабрида бўладиган сайловга тайёргарликдан иборат. Бинобарин, парламентнинг Қонунчилик палатасида, Сенатда, вилоят, шаҳар, туман вакиллик органларида ўз овозига эга бўлиш, мамлакат учун зарур қонунлар яратишда фаол иштирок этиш, ўз дастурий ғоялари асосида ҳокимиятлар ишига таъсирини кўрсатиш, ички ва ташқи сиёсат масалаларини ечишда яқиндан қатнашиш сиёсий партияга катта имкониятлар очади.

Аъзоларимиз, етакчиларимиз билан бирга маҳаллалар йиғинларида ҳамжиҳатликда қатнашамиз. Уларда ободончилик билан боғлиқ барча масалалар жуда қизғин ва жўшқин муҳокамадан ўтади. Лекин ободончилик муаммоларига сиёсий нуқтаи назардан қараш, баҳолаш жуда кам-дан-кам ҳоллардагина кўзга ташланади. Бу бир томондан сиёсий партияларнинг маҳаллаларда ўрни жуда заифлигини кўрсатса, иккинчи томондан, умуман воқелигимизни сиёсатдан холи қилиш, сиёсатдан четлашиш, ўзини гўё сиёсат жуда бир ортиқча нарсадек тутишга уриниш бўлиб кўринади. Бу биз ҳали тугаб кетган тоталитар яккаҳоким партиядан сўнг миллий манфаатлар ва миллий заминда яшаб ишлайдиган партиялар қандай бўлишини яхши билмаганимиз, тасаввур қилмаганимиз ва шундай сиёсатсизлик қулайлиги ичида яшашга одатланаётганимиздан бўлса керакдир эҳтимол. Бундай сиёсатга дахлдор майдонлар эса ҳаётда сон-саноқсиз.

**— Модомики, шундай экан, "МТ" ўзи таклиф қилган модел ва дастурларни рўёбга чиқариш йўлида нималар қилмоқда?**

— Тайёр ҳеч нарса йўқ. Кўп нарсаларни сиёсий иродага эга замонавий фикрлайдиган одамлар ва сиёсий фаолият учун ўта зарур бўлган маблағлар ҳал қилади. Маблағсиз одамнинг ҳаракатлари чор-ночор кўринишда бўлади.

Сайловларга биз қандай номзодлар ва қандай ғоялар тизимлари билан борамиз? Номзодларимиз ва ғояларимизни ҳозирги ҳаёт қайновларида яшаётган сайловчи қандай қабул қилади? Партия учун энг катта масала ҳозир шу. Уни муваффақиятли ҳал этиш партиянинг ҳаёт-мамот масаласи. "Моделлар" масаласига келсак, уларни илгари суриш унчалик қийин ёки мураккаб иш эмас. Бироқ моделингиз бўлса-ю, уни амалиётга киритиш механизмингиз бўлмаса, модел қанчалар қимматли бўлмасин, барибир, қоғозда қолиб кетади. Партиялар ҳокимиятни шакллантириш механизмига эга бўлганда, уларнинг ўзига хос моделлари ишга тушади, сиз айтмоқчи, "қиёфа" ҳам касб этади. Қуруқ "модел"нинг ўзи қиёфадан дарак бериши мумкин, лекин "қиёфа"нинг айни ўзи бўлолмайди. "Қиёфа" реал ҳаётдагина ташаккул бўлади. Бизнинг сиёсий дастуримизда, айтайлик, солиқ тизимлари ва миқдорларини оқилона даражада соддалаштириш масаласи қўйилган. Партия қандай механизмлар воситасида бунга эришиши мумкин? Ахир, халқнинг ва давлатнинг куч-қудрати солиқ тизимининг соддалиги ва ўта оқилоналигида-ку! Давлатга ҳам, халққа ҳам бойлик худди мана шундан ортади.

Ёки: сиёсий дастуримизда 2010 йил фаровонликка эришиш, фуқаролик жамиятида юксак силжиш йили бўлади, деган прогнозни баён қилганмиз. Бунга эришиш йўл-йўриқлари устида фикрлар илгари сурилган. Давлат ҳар бир хонадонга даромад манбаи яратишда кўмаклашади, деб кўзда тутилган. Ҳар бир хонадонга, ҳар бир инсонга даромад манбаи яратиш цивилизациянинг биринчи даражали вазифаси. Партия ҳокимиятсиз, айтайлик, ушбу "модел"нинг реал механизмларини ярата оладими? Ҳокимият — механизм. Партия парламентнинг юқори ва қуйи палаталарида, маҳаллий вакиллик органларида қанча кучли овозга эга бўлса, унинг ҳокимият механизмларини бунёд қилиш, шакллантириш имконияти шунча таъсирчан тусга киради.

**— Сўнгги пайтларда айрим кишилар у партиядан бу партияга ўтиши ҳоллари кузатилмоқда. Сиз буни қандай баҳолайсиз?**

— Фуқаролар ўз конституциявий ҳуқуқларига кўра, истаган партияга кириш ва ундан чиқиш имкониятига эгалар. Бу демократия ва озодликнинг неъмати. Ҳеч қандай таънага ўрин йўқ. Шу билан бирга одамийликда маслакни тез-тез ўзгартириб туриш халқ ичида субутсизлик каби баҳоланади. Лекин жиддий принципиал сабаблар бўлса, нега энди одам келишиб бўлмайдиган нарсалар билан келишиб ўтиришга ўзини мажбурлаши керак? Жуда жиддий инсоний, эътиқодий сабаблар мавжуд бўлган ёки туғилгандагина киши ўзи аъзо бўлган партиядан чиқиб, бошқасига кириши мумкин. Бунинг айби йўқ, деб ўйлайман. Лекин умуман беқарорлик, бир эътиқодда маҳкам турмаслик у қадар ҳам ижобий ҳодиса эмас.

***"Халқ сўзи" мухбири***
**Абдунаби ҲАЙДАРОВ**
**суҳбатлашди.**

***Конституциянинг 11 йиллигига***

## Инсон улуғланади

**Шаҳзода ИСОҚЖОНОВА, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ўқитувчиси:**

— Биз тараққиёт кўлами ниҳоятда кенг ислоҳотларни бошлаганмиз. Уларни кўнгилдагидек амалга ошириш учун фақат Конституцияга таянишимиз мумкин. Асосий Қонунимизнинг ҳар бир моддасида инсон омили жамият ривожи билан уйғунликда берилган. Энг асосий йўналишлар инсон омилига қаратилгани, унинг эркинлик ва бурчлари ҳар томонлама ҳимоялангани, меҳнат ва ижодий изланишлари учун имкониятлар таъминлангани, хуллас, ҳазрати инсон улуғлангани ўзини шу юрт фуқароси ҳисоблаган ҳар қандай кишининг кўнглини фахр-ифтихорга тўлдиради. Инсон улуғланаётган, халқ куч-қудратига ишонч билдирилаётган бугунги даврда давлат ва жамият бойлигига бойлик, обрўсига обрў қўшиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

# МУКАММАЛ ВА МЎЪТАБАР ҲУЖЖАТ

(Боши 1-бетда)

**Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас" (16-модда).**

Шу боис ҳам бугун ҳуқуқи ёхуд манфаати камситилган одам дарҳол Конституция ёки унга биноан қабул қилинган қонундан нажот излаётир.

Маълумки, Ўзбекистон Конституциясида мулкдор бўлиш инсоннинг ажралмас ҳуқуқи эканлиги эътироф этилган: **"Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади"** (36-модда). Шу билан бирга, ҳуқуқларни амалга оширишнинг кафолати ҳам мавжуд. Яъни, фуқаро у ёхуд бу ҳуқуқига нисбатан бўладиган тажовуздан ҳимояланиш ҳуқуқига эга: **"Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.**

**Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади"** (43-, 44-моддалар).

Конституциямизнинг 111-моддасида эса шундай дейилади: **"Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади".**

Таъкидлаш жоизки, мазкур ваколатларни амалга ошириш асноси хўжалик судлари томонидан биргина жорий йилнинг ўн ойида тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги 45388 та низо ҳал этилиб, даъвогарлар фойдасига қарийб 518,9 миллиард сўмлик, бундан ташқари, 11,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ундириб берилди. Давлат бюджетига эса бож ва жарималар ҳисобидан 7,6 миллиард сўм маблағ ундирилди.

Республика хўжалик судлари томонидан хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган кенг қамровли тадбирлар белгиланган. 2003 йилнинг 10 ойи давомида оммавий ахборот воситалари орқали биргина тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари ва уни амалга ошириш механизмларини аҳолига тушунтириб бериш ҳамда амалиётда мавжуд муаммолар ечимига оид 1400 га яқин чиқишлар уюштирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ўтган вақт ичида фермер хўжаликлари фойдасига 3801 та иш юзасидан 1 миллиард 848 миллион сўм, деҳқон хўжаликлари фойдасига салкам 53,1 миллион сўм, хусусий тадбиркорлар фойдасига 4 миллиард сўмликдан ортиқ қарз ва етказилган моддий зарарлар ундириб берилди.

Кичик бизнес субъектлари иштирокида кўрилган ишлар юзасидан уларнинг бузилган ҳуқуқ-манфаатларини тиклаш баробарида, қонунбузилиш ҳолатларини келтириб чиқарган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли таъсир чоралари қўллаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика хўжалик судларининг тегишли қарорлари билан маҳаллий ҳокимлик ва давлат идораларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан чиқарилган, қонунга мос бўлмаган 432 та ҳужжатлари ҳақиқий эмас деб топилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тикланди.

Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, хўжалик судлари томонидан мамлакатимизда хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари, жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда мустаҳкам ҳуқуқий база самарали хизмат қилмоқда. Бу борада энг устувор Қонунимиз – Конституциямизнинг алоҳида ва муҳим ўрни бор. Унда, биринчидан, илк бор мустақил суд ҳокимиятининг таркибий қисми сифатида хўжалик судларининг фаолият юритиши белгиланди, хўжалик судларининг ҳуқуқий мақоми конституцион тарзда мустаҳкамланди. Иккинчидан, Конституциямизнинг тегишли меъёрлари тадбиркорлик, ташаббускорликни қўллаб-қувватлайди, барча мулк шакллари қатори хусусий мулк дахлсизлигини эътироф этади...

Албатта, қонунлар, чунончи, Конституция ҳам ўзгармас догматик ҳужжат эмас. Жамият тараққиёти тақозоси билан уни такомиллаштириб боришга тўғри келади. Шунга биноан, кейинги пайтларда Конституциямизга киритилган қатор ўзгартишлар демократик ҳуқуқий жамият барпо этиш жараёнларини тезлаштиради. Қолаверса, унинг ўзини ҳам мукаммаллаштиради.

Бугун ривожланган демократик мамлакатларнинг аксариятида икки палатали парламент фаолият кўрсатмоқда. Унинг самарадорлиги бир палатали парламентникидан анча салмоқлидир. Шу боис Ўзбекистон ҳам ўз қонун чиқарувчи органини ислоҳ қилишга аҳд қилди. Бунинг учун эса конституциявий асос яратиш тақозо этиларди. Барчамиз гувоҳмизки, ушбу масала муваффақиятли ҳал этилди. Эндиликда унинг ташкилий жиҳатлари устида иш олиб борилмоқда. Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий ҳуқуқий мақомига қатор ўзгартишлар киритилганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Сирасини айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси том маънода мукаммал Қомусдир. Биздан унинг моҳиятини теран англамоқ, унга сўзсиз амал қилмоқ талаб этилади. Жумладан, хўжалик судларининг вазифаси ҳам тадбиркорларнинг, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя этиш баробарида бу мўътабар ҳужжатнинг ўзини ҳам муносиб ҳимоя қилишдир.

**Нурмат АҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари.**



## Хорижни кўзлаётган корхона



**«Оҳангароншифер» корхонаси қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда мамлакатимизда етакчи ўринни эгаллайди.**

«Халқаро олтин медаль соҳиби бўлган ушбу корхонада ўн ой мобайнида истеъмолчиларга ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,3 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берилди. Шунингдек, Ҳамдўстлик мамлакатларига 500 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот жўнатилди. Ўтган ўн ой давомида 1,5 миллиард сўм соф фойда олган жамоа даромадининг маълум қисмини корхонани замонавий ускуналар билан жиҳозлашга сарфламоқда.



**СУРАТЛАРДА:** корхонанинг умумий кўриниши; оператор Мехри Оллобердиева; ишчилар Отабек Ғаниев ва Маҳкам Ҳасанов маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

*Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.*

# «Ажабо, буларнинг бари мўъжиза-ку!»



(Давоми. Боши 1-бетда).

Очиғи, биз дастлаб «Маҳалладан бошланар Ватан» танловини республика миқёсида ўтказиш мақбул бўлармикин, деган ўй-фикрга ҳам борган эдик. Чунки маҳалла фақат мамлакатимизгагина хос бўлган институт бўлса, буни хорижда ким қандай тушунаркин, деган саволлар туғилди. Қолаверса, танлов шартлари ҳам аксарият бадиий фото усталари учун янгилик эди-да. Унга кўра, юборилажак суратларда кишиларнинг кундалик турмушлари, уларнинг кўчалар, маҳаллалардаги яқинлари, қўшнилари билан ўзаро муносабатлари ўз аксини топиши керак эди. Бироқ, вақт олий ҳакам деганларидек, у биз мазкур танловни халқаро миқёсда ўтказиб адашмаганлигимизни кўрсатди-қўйди.

Гапларимни мақтанишга йўймангу, танлов эълон қилинган дастлабки ойлардаёқ жаҳоннинг энг таниқли фото рассомлари ўзларининг юзлаб асарларини тавсия этишди. Биласизми, дунёда шундай нуфузли халқаро танловлар борки, унда қатнашишнинг ўзи ҳар бир фото устасининг катта орзуси ҳисобланади. Дейлик, Италияда шу вақтгача бор-йўғи 54 бор, Канадада 48 марта ўтказилган танловлар ҳам машҳурлиги, ҳам мавзуси жиҳатидан дунёда алоҳида мавқега эга. Қувончлиси шундаки, ўзига хос ана шу беллашувларда иштирок этиб, ўз асарлари билан барчанинг чинакам ҳайратига сабаб бўлган замонавий фото юлдузларида «Маҳалладан бошланар Ватан» танлови катта қизиқиш уйғотди.

Шу ўринда кўпчиликда бадиий фото санъатини ҳаётининг мазмуни деб билган дунёга машҳур усталар нега айнан мазкур танловга бу даражада катта эътибор қаратишди, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, ҳар йили жаҳонда юздан ортиқ халқаро беллашувлар ўтказилса-да, аммо шу вақтгача маҳалла мавзуси бўйича умуман танлов бўлмаган. Шу боис ҳам «Маҳалладан бошланар Ватан» халқаро танлови дунёнинг йигирмага яқин давлатининг юзлаб энг забардаст фото усталарининг минглаб нодир асарларини жам қилди. Улар юборган бадиий фотосуратларни томоша қилиб, дунёнинг турли бурчакларига «бориб-келасиз». Сайёрамизнинг айрим гўшаларидаги бийдай чўлда ёки турли вагонлару қамишзорларда, ҳатто, қўлбола палаткаларда қўним топган «маҳаллалар»да- ги одамлар билан «яшашингиз», гўзал Европа оқшомининг салқин эпкинидан энтикиб-энтикиб «нафас олишингиз», жаннатмакон юртимизга «сайр этиб», гулу чечаклар «теришингиз» мумкин.

Бадиий фото ижодкорлари бу асарларни яратгунча не-не ҳолатларга тушмаган, не-не дардларни бошларидан кечирмаган, дейсиз. Чунки улар ўз асарларида эндигина уруш олови сўнган, аммо бу ажал коминнинг бурқсиб ётган тутунлари инсон кўзларини ачиштираётгани, қалбини ўртаб, вужудини минг бир азобларга солаётган ҳолатларни акс эттир-



ганки, уни кўриб юрагингиз эзилиб кетади. Бир бурда нон қайғуси билан қамишзору вагонларда яшаётган, фарзандлари мактаб кўрмай, маърифат нима билмай улғаяётган «маҳалла»лардаги аянчли манзаралар муҳрланган асарлар эса киши юрагига янада оғриқ солади. Ва, беихтиёр кишида савол туғилади: ахир ўша гўшалардаги фарзандлар шу алфозда туғилсаю, шу алфозда тарбияланса, миллат тақдири, унинг истиқболи нима бўлади? Ҳаётда бундан-да ортиқ жаҳолат борми? Танловга юборилган асарлар мазмун-моҳиятида ана шундай аччиқ ҳаёт ҳақиқатлари ётибди. Биласизми, дард бор жойда барибир нималардир яратилаверар экан. Шунинг учун ҳам тавсия этилган суратлар одамда ўзгалар дардидан, биздан олисдаги муаммолардан таъсирланиш ҳиссини уйғотади. Негаки, фото суратлар умумий тилда сўзлайди.

Тўғри, танловда қатнашган ижодкорлар учун маҳалла мавзуси очилмаган бир қўриқдай гап эди. Аммо шундай бўлса-да, улар бу йўлда изланишди, тер тўкишди ва натижада кўриб турганингиздек, улар ёзилган ва айтилган ҳар қандай сўзлардан кўра кучлироқ таъсир кўрсата оладиган бадиий фото асарлари яратишди. Бир сўз билан айтганда, жаҳон фото ижодкорлари юборган асарларни кўздан кечириб, «ажабо, буларнинг бари мўъжиза-ку», дея таҳсинлар ўқийсиз.

Шу ўринда эътиборингизни қизиқ бир жиҳатга қаратмоқчи эдим. АҚШ, Англия, Япония каби қатор мамлакатларнинг таниқли фото усталари ушбу танловда иштирок этиш мақсадида юртимизга келиб, маҳаллалар ҳаёти билан танишиб, энг гўзал манзараларни суратларга муҳрлашди. Ишонасизми, биз ушбу бадиий суратларни кўриб, «ё тавба, улар ўзларига нотаниш бўлган мавзуда шундай гўзал асарлар яратибдилар», дея ёқа ушлаб қолдик. Очиғи, танловга тавсия этилган асарларни сўзда таърифлаш қийин. Уни фақат кўрибгина завқланиш, гўзалликка ошно бўлиш мумкин. Шунда сиз ҳам ана шу гўзал асарларни мўъжизага қиёс этасиз.

Биласизми, бундан чамаси олти йилча муқаддам хорижлик фольклоршунос олим Якоб Зингер миллий урф-одат ва анъаналаримизни ўрганаётиб айтган сўзлари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ўшанда у «Мен энг гўзал инсоний муносабатлар, қутлуғ анъанаю, урф-одатлар маҳаллада туғилиб яшаётганига гувоҳ бўлдим. Ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳри дарё ва донишмандлиги замирида ҳам маҳалла деган тушунча ётар экан. Хорижда эса бундай гап йўқ. Ҳамма ўзи учун яшайди. Сизларда эса маҳалла одамларни бир-бирига боғлаб туради» деган эди. Айтмоқчиманки, роппа-роса тўққиз ой давом этган мазкур танлов ва унга тавсия этилган бадиий асарлар нафақат ушбу эътироф тўғрилигини далиллади, балки санъат — инсоннинг улуғ, муқаддас дарди эканлигини ҳам кўрсатди. Биз яқин кунларда «маҳалла» деган сўзнинг жаҳон узра акс-садосига сабаб бўлган ушбу бадиий асарларни юртимизнинг энг олис гўшаларида ҳам намойиш этиш ниятидамиз.



**«Халқ сўзи» мухбири Фурқат ЧОРИ ўғли ёзиб олди.**

**СУРАТЛАРДА: танловга тавсия этилган асарлардан намуналар.**

# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Таҳдидга қарши резолюция

БМТ Бош ассамблеяси глобал таҳдидлар ва талабларнинг олдини олиш ва уларга таъсир кўрсатиш борасида Россия ташаббуси билан ишлаб чиқилган резолюция лойиҳасини тасдиқлади. Мазкур лойиҳа марказида ҳар қандай глобал таҳдидларга қарши курашишда БМТнинг таъсирини кучайтириш асосий масала қилиб кўрсатилган. Халқаро терроризм, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби бир қатор халқаро аҳамиятга эга муаммолар глобал таҳдид сифатида мазкур ҳужжатда ўз аксини топган. Бундан ташқари, Бош ассамблея аъзолари ва бир қатор халқаро ташкилотлар бугунги кунда дунёда содир бўлаётган глобал таҳдидларга қарши курашда БМТ таъсирини оширишга доир ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.



### Трибуналга топширилди

АҚШнинг Гуантанамодаги ҳарбий базасида сақланаётган бир гуруҳ ҳарбий асирлар трибуналга топширилди. Мазкур асирлар АҚШ ҳарбийлари томонидан Афғонистонда Толибонлар ҳаракати ҳамда «Ал-Қоида» ташкилотига қарши ўтказилган операцияларда қўлга олинган.



Ҳозирда Гуантанамода 44 мамлакатдан 660 маҳбус сақланмоқда. Уларнинг деярли барчаси Афғонистондаги ҳарбий операциялар давомида асирга тушган.

Президент Жорж Буш олтита мамлакат маҳбуслари биринчи навбатда суд қилинишига кўрсатма берди.

### Жиноятчилар гуруҳи ҳибсга олинди

Бразилия ва Жанубий Африка Республикасида одамнинг ички аъзолари савдоси билан шуғулланувчи халқаро уюшган жиноятчилар гуруҳи қўлга олинди. Улардан икки нафари Бразилияда ушланиб, улар гуруҳни бошқариб келган. Иккалови ҳам қамоқхонада ўн беш йилдан "ўтириб" чиққан.

Маълум бўлишича, бразилиялик жиноятчилар 30 га яқин одамни ўлдириб, уларнинг аъзоларини Жанубий Африка Республикасига юборганлар. Бундан ташқари, жиноятга алоқадор деб гумон қилинаётган 9 нафар бразилиялик ҳам ҳибсда сақланмоқда.

### Мулоқотга рози

Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важпаи Покистон пойтахти Исломобод шаҳрида бўлиб ўтадиган минтақавий саммитда қатнашиш истагини билдирди. Кеча Покистон Бош вазири Зафарулла Хон Жамол Ҳиндистон маъмуриятидан бу ҳақда расмий хат олди. Мазкур саммит 4 январда ўтказилиши мўлжалланмоқда.

### Страсбург судига ўтказилиши мумкин

Мана шу ой якунига қадар ЮКОСнинг собиқ раҳбари Михаил Ходорковский озодликка чиқарилмаса, мазкур иш инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига топширилиши мумкин. Бу ҳақда унинг адвокати Роберт Амстердам маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, айни дамда Ходорковский масаласи Брюсселда Европа парламенти ва Еврокомиссия вакиллари томонидан муҳокама қилинмоқда. 30 декабрга қадар гаров эвазига бўлса ҳам Михаил Ходорковский озод этилмаса, Страсбург судига шикоят аризаси топширилишини адвокат қайд этди.



### Кучли портлаш

«Интерфакс» тарқатган маълумотга қараганда, чоршанба куни Грузия давлат телевидениеси биноси ёнида кучли портлаш бўлди. Оқибатда бинога жиддий зарар етиб, бир қанча телестудиялар яроқсиз ҳолга келди. Грузия Ички ишлар вазири Гиоргий Барамидзенинг журналистларга берган интервьюсида айтишича, портлаш натижасида қурбон бўлганлар ва жароҳатланганлар йўқ.



Портлашдан тахминан икки соатлар ўтгандан сўнг телевидение биносида иккинчи портлаш содир бўлди. Шундан сўнг давлат телевидениеси ходимлари зудликда эвакуация қилинди.

### Сув ичиш бўйича ғолиб, аммо...

Даллас университетининг 21 яшар талабаси Брейлон Керри оғир аҳволда шифохонага келтирилди. Аниқланишича, унинг қорнида ҳаддан зиёд сув бор экан.

Маълум бўлишича, талабалар шаҳарчасида сув ичиш бўйича норасмий мусобақа ўтказилган. Керрида ғалабага иштиёқ кучли бўлган, шекилли, у тенгқурларининг барчасини доғда қолдирган. Аммо тана бундай ғайриоддий ғолибликни кўтара олмади.

**Юнус БЕК тайёрлади.**

### Фотонигоҳ



***Франция. Европада декабрь ойи кутилмаган тошқинлар билан бошланди. Франциянинг бир неча шаҳрини сув босди.***

## Дрезденда анжуман

Саксония федерал ўлкаси пойтахти Дрезден шаҳрида Фридрих Науманн номидаги немис жамғармаси кўмагида Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг ҳозирги замон хуруж ва хавф-хатарларига қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Мазкур анжуман ишида республикамиз ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари, сиёсатшунослар ва экспертлардан иборат ҳайъат аъзолари ҳамда Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон вакиллари иштирок этди.

Анжуман давомида Германия минтақавий тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсатни олиб бораётган ва шу ҳудуднинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётига катта таъсир кўрсатаётган Ўзбекистонни Марказий Осиёда асосий давлат сифатида эътироф этиши таъкидланди.

Айни пайтда муайян бир минтақа ёки давлатда давом этаётган уруш, низо ва қарама-қаршиликлар, ҳаётнинг ўзи тасдиқлагандек, вақт ўтиши билан глобал тус олмоқда. Асосийси, баъзи минтақаларда тутаётган кескинлик ўчоқлари ҳанузгача ақидапарастлик, экстремизм ва террорчиликнинг вужудга келиш ва ёйилиш манбаси бўлиб қолмоқда.

Шу боис конференцияда минтақалар хавфсизлиги ва айрим давлатларнинг миллий хавфсизлигига эришмасдан, кенг қамровли халқаро хавфсизликни амалга ошириш мумкин эмаслиги тўғрисидаги фикр яна бир карра таъкидланди. Бошқа сўз билан айтганда, ўз вақтида кескинлик шиддатланишига чек қўйиш, низоли вазиятлар ва бошқа салбий кўринишлар ривожига йўл қўймаслик бўйича мамлакатимизнинг "олдини олиш стратегияси" бугунги кунда янада долзарб ва муҳим аҳамият касб этмоқда.

Немис сиёсатчилари фикрича, Германия ва Ўзбекистон сайёрамиздаги турли халқлар маданиятларининг тинч-тотувлигини сақлаш масъулиятини тўла ҳис қилган ҳолда минтақа ва жаҳонда барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлашда фаол ҳамкорлик қилаётгани эътиборга моликдир.

Ўз навбатида анжуман иштирокчиларига халқимизнинг маънавий ва тарихий меросини тиклаш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, динлараро ва миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш, демократик жамият ва давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Бўлиб ўтган фикр алмашувлар чоғида замонамизнинг кўплаб долзарб масалалари бўйича истиқболли ҳамкорлик минтақа давлатларининг тараққиёти йўлида муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдирилди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон Республикасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда меҳмонлар республиканинг бугунги куни, халқимизнинг маданий ва тарихий мероси намуналари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

**Аслам АКБАРОВ, "Жаҳон" АА, Дрезден.**

***Нидерландиянинг Маастрихт шаҳрида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг кенгаши бўлиб ўтди. Унда ташкилотга аъзо қирққа яқин мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари иштирок этди. Икки кун давом этган анжуманда муҳим масалалар қаторида Грузия ва Молдовадаги вазият ҳам муҳокама қилинди.***

## ЕХҲТ саммити: Қарашлар тўқнашуви

Мазкур масалада Россия билан зиддиятлар борлиги туфайли анжуманда якуний декларация имзоланмади. ЕХҲТнинг амалдаги раиси, Нидерландия ташқи ишлар вазири Яап де Хооп Схефернинг таъкидлашича, иштирокчи мамлакатлардан ҳеч бири Москванинг нуқтаи назарини қўллаб-қувватламади. Эндиликда, мавжуд эътирозларга қарамай, кенгаш якуни бўйича алоҳида ҳужжат тайёрланади.

Маълумки, Москва томонидан Днестр бўйи муаммоси борасида режа ишлаб чиқилган эди. Молдова президенти Владимир Воронин дастлаб ушбу режага рози бўлди. Бироқ, ЕХҲТ раиси Яап де Хооп Схеффер билан телефон орқали суҳбатлашганидан сўнг В.Воронин сўнгги паллада фикридан қайтган.

Бундан Россия президенти маъмурияти раҳбарининг биринчи ўринбосари Дмитрий Козак энсаси қотганлигини яшириб ўтирмади. Россия томонидан тайёрланган режа тафсилотлари ошкор қилинмаяпти. Шундай бўлсада, унда Россиянинг 2 минг аскари назорати остида Днестр бўйида бетараф ҳудуд ташкил этиш кўзда тутилганлиги ҳақида айрим маълумотлар бор. Кузатувчиларнинг фикрига кўра, Россия қўшинларининг Молдовада сақлаб турилишидан европаликлар рози эмас. Режанинг маъқулланмаслигида яна бошқа сабабларни кўриш



мумкин. Молдова мухолифати вакилларининг наздида, Москва режаси республика мустақиллигига раҳна солади. Шунингдек, ўтган якшанба куни Кишинёвда намойиш ўтказган молдоваликлар Россия ҳарбийларини Европа мамлакатларидан бирининг кучлари билан алмаштиришни талаб қилган эди. Президент В.Воронинининг истеъфоси ҳақида ҳам талаблар янграган бу намойишга ўн минг чоғли одам йиғилди. Владимир Воронин шуларни ҳам ҳисобга олган бўлиши мумкин.

Грузия Президенти вазифасини бажарувчи Нино Бурджанадзе ва мамлакат ташқи ишлар вазири Тедо Жапаридзе Маастрихтда бўлиб ўтган анжуманда меҳмон сифатида иштирок этишди.

Анжуман доирасида Грузиянинг янги раҳбари Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов ва АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл билан учрашди. Унинг И. Иванов билан олиб борган учрашувлари ҳақида матбуотда хабар қилинмади. Буржанадзенинг эътирофича, музокара чоғида Россиянинг минтақадаги роли билан боғлиқ масалалардаги келишмовчиликлар ҳал этилмай қолган.

Колин Пауэлл билан учрашув олдидан эса Нино Буржанадзе «Грузия учун ўн йил олдин танлаган йўналиш — НАТО ва Европа иттифоқига аъзо бўлиш, шунингдек, АҚШ билан стратегик ҳамкорлик муносабатларини яхшилаш бундан кейин ҳам асосий вазифамиз бўлиб қолади», — деб таъкидлади. Шунингдек, Буржанадзе «АҚШ – Грузия — Россия» учлиги ғоясини илгари сурди. Фақат бунда ҳамкорлар тенг ҳуқуқли бўлиши, улар «катта» ва «кичик»га бўлинмаслиги лозимлигини қўшимча қилди.

ЕХҲТ кенгашида чиқиш қилган АҚШ давлат котиби Колин Пауэллнинг эслатишича, Россия 1999 йилда Туркиянинг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда ҳарбийларни Грузия ва Молдова ҳудудидан белгиланган муддат ичида олиб чиқиб кетишга ваъда берган эди. У Россияни ушбу мажбуриятни бажаришга чақирди.

Кузатувчиларнинг фикрига кўра, АҚШ расмийлари Грузия ва Молдовадан Россия ҳарбийларининг олиб чиқиб кетилишини Европадаги оддий қуроллар тўғрисидаги шартномани ратификация қилишнинг шартларидан бири сифатида илгари сурмоқда.

Маастрихт анжуманида гарчи умумий келишувга эришилмаган бўлса-да, бу тадбир Грузия учун фойдадан холи бўлмади. ЕХҲТ келгуси йилнинг 4 январида Грузияда бўлажак президент ва парламент сайловларини ўтказиш учун 5 миллион евро миқдорида маблағ ажратишга ваъда берди.

Яна бир маълумот: мазкур анжуман ташкилотчиси бўлган ташқи ишлар вазири Яап де Хооп Схеффер яқинда НАТО бош котиби лавозимини эгаллайди. Бу эса ўз ўрнида Маастрихтда ечимини тополмай қолган масалалар эндиликда НАТОнинг ҳам асосий йўналишига айланади, дейишимизга асос бўлади.

**Шуҳрат СУЮНОВ, сиёсий шарҳловчи.**

### Улкан эркин савдо ҳудуди

Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари савдо вазирлари иштирок этган Майамидаги музокараларда Аляскадан то Чилига қадар чўзилган савдо ҳудудини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди.

2005 йилдан бошлаб, Америка эркин савдо ҳудуди (FTAA) доирасида 35 давлатдан, 34 таси (Куба аъзо эмас) фаолият юрита бошлайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, ушбу савдо уюшмаси мазкур мамлакатларнинг 800 миллион аҳолисига хизмат кўрсатиб, ундаги маҳсулотлар айланма миқдори 14 трлн. доллар атрофида бўлади.

Гарчи, ушбу лойиҳа АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон маъмурияти томонидан аввалроқ ўртага ташланган бўлса-да, у айрим сабабларга кўра, амалга ошмай қолган эди. Таъкидлаш жоизки, улкан эркин савдо ҳудудининг ташкил этилишига оид музокаралар давом этаётган бир пайтда, унга қарши намойишлар бошланиб кетди. Америкалик фермерлар ва уларни қўллаб-қувватловчилар мавжуд тарифлар ва тўсиқларнинг олиб ташланишидан рози эмасликларини шу тарзда ифода этишмоқда.

**С. ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

## «TIME» журнали йилнинг энг ғаройиб ихтироларини чоп этди





### Сувда сузувчи автомобиль

Британиянинг Gibbs Technologies компанияси ғаройиб автомобиль-амфибия яратди.

Aquada автомобили ерда ҳам, сувда ҳам ҳаракатланиши мумкин. Ерда соатига 160 километр, сувда 50 километр тезликда юради. Айтиш керакки, автомобилнинг эшиклари йўқ.



Унинг нархи тахминан 250000 доллар бўлади.

### Митти электрогенератор

Уйида электр энергияси ўчиб қолаверишидан чарчаганлар учун Coleman компанияси AirGen деб номланган водородли кичик электрогенератор яратди.



AirGen 8 соат давомида 1 киловатт қувват бериш имкониятига эга. Иш давомида у буғ ва иссиқлик ажратади, холос. Генератордан уй шароитида фойдаланиш мумкин. Унинг кичкиналиги ҳам қўл келади. Чунки генераторни стол остига жойлаштирса бўлади.

Ҳозир сотувда уни 5995 долларга харид қилиш мумкин.

### Ҳароратингизни масофадан ўлчайди

Сингапурнинг фан, мудофаа ва юқори технологиялар агентлиги Singapore Technologies Electronics яқинда ҳаммани ваҳимага солган ғайриоддий зотилжамга қарши кураш борасида янги ускуна яратди. У беморга ўзи ташхис қўя олмайди, аммо масофадан одам танасида иситма бор ёки йўқлигини аниқлаши мумкин.



Унда иккита чироқ бор. Агар қизил ёнса, одамнинг иситмаси бор, яшил чироқ ҳаммаси меъёрда эканини билдиради. Ускуна айниқса, аэропорт, меҳмонхона ва бошқа жамоат жойларида қўл келади.

Ускунанинг нархи — 50000 доллар.

### Экологик тоза мотороллер

Aqwon мотороллерида ёнилғи ўрнида водороддан фойдаланилади. У ҳаракатланганда фақат буғ чиқаради. Мотороллер тахминан соатига 45 километр тезликда ҳаракатланиши мумкин. Унинг яна бир мақбул томони, агар ёнғин содир бўлса бакдаги водород бензинга ўхшаб ёнишнинг ўрнига музлаб қолади.

Унинг нархи тахминан 6400 доллар бўлади.

### Skypay қанотлари

Германиялик ихтирочи Албан Гейслер махсус углепластикдан қанот ясади. Қанотлар одамнинг ерга боши билан қулашига йўл қўймайди ва соатига 236 километр тезликда учиш имкониятига эга. Шунингдек, қанотлар ҳавода парашютлардан ҳам кўра кўпроқ вақт сузиши мумкин.



Қанотлар сотувга келгуси йили чиқарилиши режалаштирилмоқда. Унинг қиймати 3300 доллар атрофида бўлади.

Ўзбекистон муҳандислик техник тадқиқотлар бош институти —
«O'ZGIITI» жамоаси
Ўзбекистон Республикасининг бош Қомуси —
КОНСТИТУЦИЯ КУНИ БИЛАН
мамлакатимиз халқини самимий қутлайди!



*Барчага Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишида куч-қувват ва ишларида муваффақият тилайди!*

D-AMPS GSM
UZDUNROBITA
first cellular

*Азиз юртдошлар!*

*"Ўздунробита" компанияси жамоаси сизларни умумхалқ байрами - Конституция куни билан муборакбод этади ва барчангизга саломатлик, бахт, фаровонлик, омад тилайди!*

UZMACOM
GSM

**«Ўзмаком»**
**қўшма корхонаси жамоаси Ўзбекистон халқини**

КОНСТИТУЦИЯ КУНИ БИЛАН
**табриклайди!**



***Барчангизга тинчлик-хотиржамлик ва осойишталик тилайди!***

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри,
Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 8-уй.
Телефонлар: (+998 92) 100-00-00,
100-00-15, 100-00-16, 173-00-15.
Факс: (+998 71) 120-63-78, 100-98-98.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!
РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
«ҒАЛЛАБАНК»

ўз даромадларини кўпайтириш истагида бўлган мамлакатимиз фуқаролари ва меҳмонларига қулай шартлар асосида қуйидаги омонат турларини таклиф қилади.

«ҲАМКОРЛИК» омонат тури
Омонатнинг сақланиш муддати — **3 ой**. Қўйилган омонат учун йиллик **42 фоиз** миқдорида устама ҳисобланиб, олдиндан тўлаб берилади. Омонатнинг энг кам миқдори 10000 (ўн минг) сўм бўлиб, юқори чегараси белгиланмаган.

«ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА» омонат тури
Омонатлар бўйича фоизлар олдиндан тўлаб берилади. Омонатнинг сақланиш муддати **3 ой** бўлиб, йиллик **42 фоиз** миқдорида устама тўланади. Омонатнинг энг кам миқдори — 10000 (ўн минг) сўм, юқори чегараси эса белгиланмаган.

**Омонатга қабул қилинган маблағ омонат дафтарчасини тақдим этган омонатчига тўлаб берилади.**

СИЗНИ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН МАМНУНМИЗ!

«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!



*Кўргазма*

# АМАЛИЙ САНЪАТ ЖИЛОСИ

***Мумтоз шоир Абдураҳмон Жомийнинг "Қайси фарзанд ҳунарсиз бўлиб, отадан лоф урса, одамдан йироқ", деган ҳикматли сўзи бор. Бизнинг халқимиз азал-азалдан ота-боболар ҳунарини гавҳардек эъзозлаб, фарзандлар қалбига бу туйғуни сингдириб келган.***

Ҳозир ҳам бундай анъана давом этмоқда. Буни биз ҳунарманд усталаримиз томонидан сайқал топган бежирим санъат асарлари дунё аҳлини лол қолдираётганидан билиб олишимиз мумкин.

Яқинда пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида IX Халқ амалий санъатининг халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Республика Ҳунармандлар уюшмаси Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, "Интерконтинентал" меҳмонхонаси билан ҳамкорликда ўтказган ушбу кўргазмада юртимиздан ташқари, қўшни Қирғизистон Республикасидан келган ҳунармандлар ҳам санъат намуналарини намойиш этишди. Каштадўзлик, кандакорлик, ўймакорлик, наққошлик, зардўзлик каби амалий санъатнинг 30 дан зиёд турлари, нафис ва бетакрор қилиб яратилган ҳунармандчилик буюмлари барчада катта таассурот уйғотди.

— Мен ўймакорликни акамдан ўрганганман, — дейди хивалик уста Худойназар Жуманиёзов. Хоразм столи — куран тахта, сандиқча, хоса, лавҳ деб номланган мана бу буюмларни ясаш ота мерос. 20 йилдан буён ёғоч ўймакорлиги билан ризқимни топаяпман.

Биз тадбирда нафақат юртдошларимиз, балки кўпгина хорижликларни ҳам учратдик. Улар ўзбек усталари, зардўзлари томонидан яратилган ажойиб санъат намуналарини ўзгача завқ ва қизиқиш билан томоша қилишди. Американинг Вашингтон штатидан келган Марже Хуанг ва Кирлс Тоне ўз таассуротларини биз билан ўртоқлашди:

— Ўзбекистонга ташрифим биринчи марта эмас, беш йил аввал ҳам келганман. Ҳозир ҳам миллий санъатингиз намуналари бўлган бир қанча буюмлардан харид қилдим. Ушбу тақинчоқ синглим учун совға. Ажойиб хотиралар билан кетаман, деб ўйлайман...

Бухоро ўзининг зардўзлик, заргарлик санъати билан маълуму машҳур. Айниқса, Шокир Нусратовнинг оилавий қўли гул чеварлари меҳр билан тиккан миллий либосу зардўз дўппилари ўз жозибаси билан меҳмонлар эътиборини жалб этди. Шокир ака Россия, Қозоғистон, Туркманистонда бўлган намойиш ва тадбирларнинг фаол қатнашчиси эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Сурхондарёнинг зеб бериб ишланган кашталари, қўқонлик усталар ясаган пичоқлар, Тошкентнинг қадим кулолчилик буюмлари, Самарқанднинг миллий чолғу асбоблари, Марғилоннинг ипак мато, атласлари иштирокчилар олқишига сазовор бўлди.

Кўргазма залини тарк этарканмиз, халқимизнинг миллий қадриятлари, ҳунармандчилиги ўлмаслигига, авлодлар оша ҳеч қачон завол билмаслигига амин бўлдик.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Китобга меҳр — дунёга меҳр



Улуғ аллома Носир Хисрав битикларида шундай бир ҳикмат бор:

***Кимки ҳаёт***
***шаъмин илм***
***ила ёқди,***
***Ҳаёти асрлар***
***сўнмади, балқди!***

*Ташаббус*

Илм – зиё. Китоб мутолаа қилган кишининг қалб олами ана шундай зиёдан мунаввар бўлади. Бу мунавварлик ичра руҳ покланади, кўнгил тозаради, дилдаги эзгу мақсадларга йўл очилади. Зеро, билими кўп, тафаккури теран, ҳаётга муҳаббат ва эртанги кунга ишонч билан қарайдиган ҳар киши борки, у ўзидаги шундайин фазилатлар учун, аввало, китобдан миннатдор бўлмоғи тайин.

— Биз тезкор ахборотлар асрида яшаяпмиз, лекин бу ахборотлар ичида китобнинг ўрни, китобнинг қадри батамом ўзгача, – дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Шодлик» маҳалласи аҳли билан учрашув чоғида. – Китоб шундай бир чироқдирки, унинг шуъласи гўёки бутун дунёни ёритиб туради.

— Китоб одамларни, халқларни бир-бирлари билан учраштиради, ўзаро бирлаштиради, – дея суҳбатни давом эттирди Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон. — Маҳаллангизда ўз фаолиятини бошлаган янги кутубхона ҳар бирингизга муборак бўлсин. Одамларни китоб ўқиш завқидан баҳраманд этаётган ташаббускорлар кўпаяверсин.

Ардоқли шоир шу даврада Президентимизнинг «Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин» деган сўзларини тилга олатуриб, бундан бир неча ойлар аввал Тошкент шаҳрининг Конституция маҳалласида ўз ташаббуси билан кутубхона очгани ва айни вақтда бу маскан маҳалла хизматида эканини эътироф этди.

— Шоир Рамз Бобожоннинг бу ташаббуслари мени илҳомлантириб юборганди, – дейди Ғафур Ғулом номидаги нашриёт Матбаа ижодий уйи бош директорининг биринчи ўринбосари Назира Жўраева. – Барча имкониятларимни чамалаб кўриб, шу маҳаллада кутубхона очишга қарор қилдим. Дастлаб уйимда йиққан китобларимни бу ерга келтирдим. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Чўлпон», «Ижод дунёси», «Меҳнат», «Ибн Сино» номли кўпгина нашриётлар ҳамда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси раҳбарлари ташаббусимни қўллаб-қувватлаб, кутубхонамиз учун ўзларида чоп этилган китоблардан туҳфа этишди.

— Маҳалла идорасининг ёнгинасида 271-мактаб биноси жойлашган, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мираҳмад Муҳамедов. – Бу эса кутубхонамиздаги китоблардан мактаб ўқувчиларининг ҳам баҳраманд бўлишларига имкон яратади.

Дарҳақиқат, кўнгилдаги эзгулик туйғуси ҳар биримизни ташаббус кўрсатмоқликка ундайди. Ташаббус эса эргаштирувчи куч. Боғ яратиш, ён-атрофдагиларга хайрихоҳ бўлиш, кутубхоналар очишдек хайрли юмушлар учун ана шундай улкан куч зарур бўлади. Китоб эса кўнгилларни ўзаро яқинлаштиради, бир-бирига боғлайди. Китобсиз келажак йўқ. Китобсиз тараққиёт йўқ. Демак, бугунги кунда кишиларимизни, айниқса фарзандларимизни китоб ўқишга даъват этмоғимиз керак.

**Г. ЖАМИЛОВА.**

*Болалар спорти*

# МАҚСАДИ — САЛОМАТЛИК

— Ташаббус бор жойда албатта, ривожланиш, олға интилиш бўлади, — дейди Ургут тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Холмуҳаммад Нуруллаев. — Мана, болалар спорти бўйича бажарилаётган ишларни олайлик, — дея мисоллар келтиради. – Стадионсиз, спорт майдонисиз мактаб ёки маҳаллани бугун тасаввур қилолмаймиз. Уларнинг асосий қисми шу йилнинг ўзида барпо этилди, ёхуд тўлиқ қайтадан таъмирланди. 5 та ширкат хўжалиги замонавий типдаги идораларини мактабларга бўшатиб берди. Натижада туманда 275 та ўқув жойи юзага келди. Хўжаликлар ҳайҳотдай мажлисхоналарини ҳам спорт залларига айлантиришга ўтдилар.

Буларнинг ҳаммаси ташаббус, ҳаммаси раҳбарларимизнинг фарзандлар тақдирига бефарқ эмаслиги, Президентимизнинг болалар спортини ривожлантириш борасидаги фармонини бажариш йўлидаги саъй-ҳаракатлардир.

Ҳокимнинг сўзларига эътироз билдириб бўлмайди. Негаки, ургутликлар ишлаб чиқариш сингари қурилиш, ободонлаштириш, спорт ва маданий жабҳаларда ҳам астойдил иш олиб боришлаяпти. Мустақилликнинг 12 йиллигига 12 та маҳалла маркази қурилгани, уларнинг барчасида спорт майдонларининг мавжудлиги ҳам ана шу фикрнинг исботи. Айни пайтда эса бир йўла 8 хўжаликда ТИП-1 лойиҳаси асосида спорт мажмуалари барпо этиш ишлари давом эттирилаяпти.

Тумандаги илғор хўжаликлардан бири — «Зарафшон»да эса ТИП-2 лойиҳасида ишлар бошлаб юборилган. Қурилишнинг биринчи босқичида 3 гектарлик майдонда 1000 ўринли стадион барпо этилди. Футбол ўйингоҳидан ташқари волейбол, баскетбол, қўл тўпи, енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказиш имконияти юзага келтирилди.

— Ўтган йилги фойда ҳисобидан мазкур қурилиш учун 25 миллион сўм маблағ ажратдик, — дейди ширкат хўжалиги раиси Ҳақберди Собиров.

— Қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатлари эса 105 миллион сўм. Биз яна хўжалик ҳисобидан 5 миллион сўм ажратишга қурбимиз етади. Демак, ўзимизнинг сармояларимиздан ташқари яна 75 миллион сўм маблағ зарур. Қувонарлиси шундаки, спорт мажмуаси қурилишига кўпгина ташкилотлар ҳомийлик қилиш истагини билдиришган.

Раис айтганидек, бу ишда ҳомийлар кўпайиб қолди. Дастлабки ташаббускорлар фермерлар бўлишди. Комил Акрамов раҳбарлигидаги «Учқун» фермер хўжалиги махсус рақамга 500 минг сўм маблағ ўтказди. Тез орада ташаббусга қўшилган саховатли фермерлар сони 22 тага етди.

Ширкатнинг минг нафар аъзоси ҳам қараб тургани йўқ. Уларнинг ҳар бири ҳашарда иштирок этиш, янгидан барпо этилаётган спорт иншооти қурилишининг тезлашишига имкон қадар ҳисса қўшишга интилишди. Кўпчилик ҳаракати туфайли яқин кунларда мажмуанинг биринчи босқичи фойдаланишга топширилди.

— Шу билан ишлар тўхтаб қолмайди, — дейди раис чим ёткизилаётган стадионга қараб. — Келаси йилдан иккинчи босқич ишларига киришамиз. Режамизда замон талаблари даражасидаги спорт зали қурилиши бор. Албатта, бу иншоотни барпо этиш ҳам хўжалик маблағи ҳамда ҳашар йўли билан амалга оширилади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Ўзбекистон — муҳаббатим изҳори»

Пойтахтимиздаги замонавий санъат марказида «Ўзбекистон — муҳаббатим изҳори» фототанлови ғолибларининг тақдирланиш маросими бўлиб ўтди.

Танлов ҳайъати хулосасига кўра, Д. Ҳайдаровнинг «Куз хаёллари», А. Абаляннинг «Баҳор» асарлари фотосуратлар танловининг Гран-присини қўлга киритди. Шунингдек, А. Полвонов, В. Коверин, А. Коваланко, В. Ермаков, Н. Ялишеваларнинг асарлари эса турли йўналишлар бўйича ғолиб деб топилди.

Hewlett-Packard компанияси ҳомийлигида ўтказилган танловнинг ғолибларини аниқлашда фотокўргазмага ташриф буюрган томошабинларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам ҳисобга олинди.

**Ўз мухбиримиз.**






# Мозий билан юзма-юз

Ўзбекистон санъатининг ёш мутахассислар томонидан фаол тадқиқ этилиши нафақат санъатшунослик, балки жамият маънавий тараққиёти учун ҳам долзарбдир. Санъатшунослик фанининг методологик янгиланувида ёш олимларнинг ўрни катта.

Ўзбекистон Бадиий академияси, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда "Ўзбекистон санъати: тарих ва замонавийлик" мавзуида ёш олимлар конференциясини ўтказди.

Мазкур илмий анжуман бугунги Ўзбекистон санъатшунослиги олдида турган долзарб муаммоларни кўтариб чиқиши ва ҳал этиш йўлларини белгилаб бериши ҳамда тарих ва замонавийликни уйғунликда намоён этиши билан аҳамиятлидир. Илмий анжуманга тақдим этилган маърузалар халқимизнинг асрлар оша бизгача етиб келган беқиёс маданий меросига, шунингдек, замонавий санъат турларида кечаётган бадиий жараёнларга янгича бир назар ташлашга, уларни янги авлод нигоҳи билан, истиқлол мезонларига асосан баҳолаш имконини яратади. Бу ҳақда Бадиий академия раиси Т. Қўзиев, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б. Убайдуллаев ўз сўзларида тўхталиб ўтдилар.

Икки кун давом этган анжуман доирасида "Ўзига хос Шарқ" деб номланган ёш рассомлар кўргазмаси очилди. "Театр санъати, кино ва телевидение", "Меъморлик, тасвирий ва амалий-безак санъати","Фольклор ва замонавий мусиқа санъати" шўъбалари мажлиси бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон давлат консерваторияси, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн, Маннон Уйғур номидаги Санъат, Абдулла Қодирий номидаги Маданият, архитектура-қурилиш, ЎзРФА Тарих институтларининг илмий ходимлари, аспирантлари, магистрлари қатнашдилар.

**Г. ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Бензинфурушлар фош бўлди

Кейинги пайтларда ёнилғи қуйиш шохобчаларида бензиннинг тақчиллиги сезилаётган эди. Ҳукуматимиз томонидан бу муаммони бартараф этиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида масала ўз вақтида ҳал этилди. Шунга қарамай айрим жойларда бундай ҳолат сунъий келтириб чиқарилаётгани ҳам аниқланмоқда. Яқинда Республика прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари ўтказган тадбир жараёнида ана шундай ҳолатларни юзага келтираётган бир қанча қонунбузарликлар фош этилди. Хусусан, Ангрен шаҳрида жойлашган «Автонефттранс» АТС базаси ёнилғини ташишда транспорт хизмати кўрсатиб келади. Шу базага қарашли «Форд карго» русумли автомашиналар ҳайдовчилари Баҳром Мирзаев ва Қаҳрамон Қурбонов «Ангреннефтбаза» оператори А. Шарипов билан жиноий тил бириктириб 29,5 тонна бензин ва 29,5 тонна соляркани Ангрен — Поп йўлида сотган. Бир пасда пуллик бўлиб олган ҳамтовоқлар Поп нефтбазасига етказилиши керак бўлган 29,5 тонна соляркани ҳам ноқонуний тарзда сотиб юборади. Албатта, сири фош бўлган бу кимсалар жиноий жавобгарликка тортилади. Лекин улар сотган ёнилғини қайсидир хўжалик ёки ташкилот илҳақ кутиб турарди. Ёнилғи ўз вақтида манзилга етказилмагач, ўша жойда тақчиллик юзага келди. Оқибатда бу ишларнинг ўз вақтида бажарилишига салбий таъсир кўрсатди.

Бундан ташқари, жойларда ёнилғи маҳсулотларини сотишда харидорлар ҳақидан уриб қолиш, ноқонуний йўллар билан савдо қилиш ҳоллари ҳам аниқланмоқда. Масалан, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари Шайхонтоҳур туманидаги Форобий кўчасида жойлашган АЁҚШда текшириш ўтказди. Унда оператор Ж. Муҳитдинов ва хизмат кўрсатувчи А. Раҳматов харидор А.

*Долзарб мавзу*

Охунхўжаевга 20 литр бензинга 5200 сўм олиб 2550 сўмлик чек берганлиги устида ушланди. Бундан ташқари, уларнинг хизматхонасига КН-00172 русумли ёқилғини кам қуйиш мосламаси ўрнатилганлиги ҳам фош этилди. Ушбу мослама корхона эгаси Собиржон Шерматовнинг кўрсатмасига кўра, шу йил 19 сентябрь куни ўрнатилган экан. Мослама ёрдамида 5 октябрга қадар 4 миллион 106,8 минг сўм бензин уриб қолинганлиги маълум бўлди.

Афсуски, бундай ўз бошимчалик фақат шу АЁҚШда рўй берган деб бўлмайди. Яъни пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Рустам Саид» хусусий фирмасига қарашли ёнилғи қуйиш шохобчаси фаолияти билан танишиш чоғида ҳам ана шундай қонунбузарликка дуч келинди. Шохобча раҳбари Юсуфбек Саидқулов оператор Жўра Набихўжаев билан жиноий тил бириктириб ўз хизматхонасига қонунга хилоф равишда ёнилғини кам қуйиш техник мосламасини ўрнатганлиги маълум бўлди. Ушбу мослама орқали 2001-2003 йиллар мобайнида харидорларга 270 миллион 97,3 минг сўмлик — 1173536 литр бензин кам қуйилганлиги аниқланди.

Агар зимдан ўйлаб қаралса, бу каби муаммоларнинг урчишида истеъмолчи сифатида сизу бизнинг ҳам айбимиз йўқ эмас. Негаки, истеъмолчилар жамиятда катта куч ҳисобланади. Лекин қачонки ўз ўрнида ҳақимизни талаб қилишга одатлансаккина бу муаммо камайиши мумкин. Ҳамиша ҳам талаб қилавермаслигимиз эл ҳақига хиёнат қилаётганларнинг шундай нонкўрликдан тап тортмаслигига олиб келмоқда. Чунки кўпчилик ҳуқуқини талаб этишдан андиша қилади. Нафс бандалари эса киши ҳақидан ор қилиш ўрнига ҳар хил найрангларни ўйлаб топади.

Самарқанд шаҳрининг Сиёб туманидаги «Бахосият» хусусий фирмасига қарашли АЁҚШда оператор Зокир Каримов фуқаро В. Шушанянга 10 литр бензин сотиб 2575 сўмни касса аппаратидан ўтказмаган. Текшириш жараёнида шу куни 267,9 минг сўмлик савдо пуллари касса аппаратига кирим қилинмаганлиги маълум бўлди.

Табиийки, қонунбузарлар ўз қилмишига яраша жазосини олади. Лекин, ўшандайлар эл ҳақига кўз олайтириб, бойиш йўлини нега пеш билганига ҳайрон қолади, киши. Наҳот улар кўпнинг ризқи тешиб чиқишини билишмайди.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

«Ўздавэнергоназорат» агентлиги жамоаси юрист-маслаҳатчи Раҳим Барноевга акаси

**Бобомурод БАРНОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси жамоаси «ТошқурилишматериаллариЛИТИ» акциядорлик жамияти раиси Нўъмон Аббосхоновга синглиси

**МУҚАДДАС аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси жамоаси «Автоматика» ОАЖ бошқаруви раиси Обидбек Маҳбубековга отаси

**Турғунбек МАҲБУБЕКОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Санъатшунослик факультети декани муовини Дурдона Азизовага волидаси

**Раъно ая АЗИЗОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**«Халқ сўзи»**
**«Народное слово»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир**
**Аббосхон**
**УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати:
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**П. ДЮГАЙ,**
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**Л. КУЧЕРЕНКО,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**А. САИДОВ** (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»),
**М. САФАРОВ,**
**И. ЎТБОСАРОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ,**
**А. ҲАЙДАРОВ,**
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**

*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 133-52-55;
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм* — 133-10-17;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15; 132-12-08
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 00172, 21378 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **Г. ЙЎЛДОШЕВА.**
Навбатчи — **М.ХОЛМАТОВА.**
Мусаҳҳиҳ — **Ш. МАШРАББОЕВ.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**
**[t] — тижорат материали.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.**
**Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21. 00.*
1 3 4 5 6